



Ўзбекистон Республикаси номидан

Х А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И

2022 йил 12 декабрь Шовот тумани 4-2202-2201/1400-сонли иш

Шовот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Ҳайитбоев, судья ёрдамчиси Ш.Салаевнинг котиблигида, Шовот туманлараро иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида,

**Даъвогар:** Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармасининг АТ «[REDACTED]» манфаатида,

**Жавобгар:** «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамиятидан кредитни асосий қарзи 1.529.834.000 сўм, фоиз қисми 217.057.000 сўм қарздорликни ундириш, ундирувни шерик жавобгар «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти гаров мулкларига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни даъвогар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) жавобгар ва шерик жавобгар вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Даъвогар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси АТ «[REDACTED]» манфаатида, Шовот туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб жавобгар «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамиятидан кредитни асосий қарзи 1.529.834.000 сўм, фоиз қисми 217.057.000 сўм қарздорликни ундириш, ундирувни шерик жавобгар «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти гаров мулкларига қаратишни сўраган.

Палата ишни ўзининг вакили иштирокисиз кўришни сўраган.

Бугунги суд мажлисида даъвогар вакили тушунтириш бериб, жавобгар томонидан кредит қарздорлиги судга даъво ариза киритилгинидан сўнг қисман қопланганлигини, жавобгар билан медиация тузилмаслигини, даъвони қолган қисмини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Бугунги суд мажлисида жавобгар ва шерик жавобгар вакили даъвони тўлиқ тан олиб даъво талабларига эътирози йўқлигини, медиация учун вақт берилганлигини, қарздорликни тез орада тўлиқ қоплашни билдириб кўрсатма берди.

Суд, иш ҳужжатларини ўрганиб, ишда иштирок этувчи тараф вакилларининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани қисман қаноатлантиришни ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини жавобгар зиммасига юклашни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, АТ «[REDACTED]» филиали ва жавобгар «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамияти ўртасида 15.05.2020 йилда 504-сонли кредит шартномаси тузилиб мазкур кредит шартномасига асосан “Банк” муассасаси томонидан жавобгарга “қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун” 36 ой муддатга йиллик 22,5% миқдорида жами 1.700.000.000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратилган.



Шартноманинг 1.1-бандида “Банк” “Қарз олувчи”га нақд пулсиз шаклда кредит беради, Қарз олувчи эса, банкдан олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган муддат ва шартларда тўлиқ қайтариши” белгиланган.

Кредит шартномасига асосан кредит таъминоти сифатида 16.09.2020 йилдаги гаров шартномасига асосан шерик жавобгар «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган 2019 йилда ишлаб чиқарилган NOVO русумли, 90.992 VAA давлат рақам белгили автомашина, 2019 йилда ишлаб чиқарилган ZHINUISHU русумли, 90.654 AA давлат рақам белгили тиркама гаровга олиниб, нотариал идора томонидан тақиқ қўйилган.

Гаров мулкнинг баҳоси тарафлар ўртасида 10.09.2020 йилда тузилган келишув далолатномасига кўра жами 1.113.233.240 сўмга баҳоланган.

Кредит шартномасининг 4.6-бандига кўра, “Қарз олувчи” томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда, кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар тўланмаганда, қарздорнинг молиявий аҳволи оғирлашганда (ноликвид балансга эга бўлганда бухгалтерия ҳисоб-китоб тартиблари бузилганда) банк ажратилган кредитни муддатидан олдин ҳисобланган фоизлари билан қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилган.

Тарафлар ўртасида имзоланган кредит шартноманинг 3.5-бандига кўра “қарздор” эса олинган пул маблағинини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағидан фойдаланганлиги учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олган.

Шартномага асосан жавобгар кредитга ҳисобланган фоизларни шартноманинг ажралмас қисми сифатида илова қилинадиган қайтариш жадвалига асосан тўлаш мажбуриятини олган.

Бироқ жавобгар кредит қарздорлиги юзасидан белгиланган графикни мунтазам бузиб кредит фоизлари тўловларини тўламаган ва мажбуриятларини бажармаган.

Даъвогар АТ «[REDACTED]» филиалини бир неча бор оғзаки ва 2022 йил 19 сентябрдаги қарздорликни ихтиёрий тўлаб юзасидан жавобгарга юборган огоҳлантириш хатлари жавобгар томонидан ижросиз ва оқибатсиз қолдирилган.

Натижада ушбу низо келиб чиққан.

Буни оқибатида, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Мазкур ҳолатда мажбуриятлар кредит шартномаларидан келиб чиққан.

Чунки, тарафлар ўртасида тузилган шартнома шартларига кўра, “Банк” “Қарздор”га мазкур шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш мажбуриятини, “Қарздор” эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744-моддаси биринчи қисмида кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз



олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 735-моддасида қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шартлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 736-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар қарз шартномасига қарзни қисман (бўлиб-бўлиб) назарда тутилган бўлса, қарз олув қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Ушбу кодексининг 738-моддасига кўра эса қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий Хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сонли Қарорини учинчи бандида банк ёки бошқа кредит ташкилоти ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат кредит ташкилотининг кейинчалик, келишилган муддатларда, кредит бериш (кредит линиясини очиш) мажбуриятини ва қарз олувчининг олинган кредитни қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини ўз ичига олиши таъкидланган.

Даъвогар АТ [REDACTED] филиали томонидан судга 12.12.2022 йилда №722-сонли маълумотнома тақдим қилиниб унга кўра қарздорлик қисман қопланиб ҳозирда жавобгарнинг кредитни асосий қарзи 1.529.834.000 сўм, фоиз қисми 53.090.000 сўмни ташкил қилиши кўрсатиб ўтилган.

Суд, даъвогарнинг даъво талабидаги кредит қарздорлигини ундириш талаби асосли бўлсада қарздорлик қисман қопланганлиги сабабли даъво аризани қисман қаноатлантиришни лозим деб топади.

Бундан ташқари, суд ундирувни гаров мулки бўлган «[REDACTED]» маъсулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган 2019 йилда ишлаб чиқарилган НОВО русумли, 90.992 VAA давлат рақам белгили автомашина, 2019 йилда ишлаб чиқарилган ZHINUISHU русумли, 90.654 AA давлат рақам белгили тиркамага қаратишни лозим деб топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 279-моддасида гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Мазкур ҳолатда даъвогарнинг ундирувни гаров мулкларига қаратишни талаб қилиш ҳуқуқи тарафлар ўртасида тузилган гаров шартномаси асосида вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118-моддасига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.



